



## ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ ҲАМДА ЮЗАГА КЕЛИБ САБАБЛАРИ



Казаков Фирдавс Фарход ўғли  
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

**Аннотация:** Корхоналар фаолиятидаги кўрсаткичларни ўрганиб чиқиш жараёнларини осонлаштириш мақсадида уларни турли хусусиятлари бўйича туркумларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, буйдай туркумлаш ишни осонлаштиради ва ҳулосани аниқ бўлишини таъминлайди.

**Калит сўзлар:** бизнес, иқтисодий муносабатлар, менежмент, э-бизнес.

Дебиторлик қарзларини корхонанинг молиявий ҳисоботларига киритиш мақсадида муддатлари бўйича қуйидагича туркумлаш мумкун:

- жорий (қисқа муддатли) дебиторлик қарзлари – бу корхонанинг жорий операцион цикли ёки бир календар йили мобайнида ундирилиши керак бўлган қарзлари ҳисобланади. Бу гуруҳга корхона бухгалтерия балансининг 4000-ҳисобварағидан 4890-ҳисобварағигача бўлган моддалари киритилади.

- узоқ муддатли дебиторлик қарзлари – бу корхонанинг ундирилиши бир календар йилидан узоқ муддатни ташкил этувчи қарзларидир. Бу гуруҳга эса корхона бухгалтерия балансининг 0910-ҳисобварағидан 0940-ҳисобварағигача бўлган моддалари киритилади

Мохиятига кўра корхонанинг дебиторлик қарзларини қуйидагича туркумларга ажратиш мумкун:

- Харидор ва буюртмачилардан олинadиган ҳисоб варақалар;
- Даъволар бўйича олинadиган ҳисоб варақалар;
- Берилган бунақлар бўйича олинadиган ҳисоб варақалар;
- Бошқа турдаги олинadиган ҳисоб варақалар.

Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар.

Бу ҳисобварақлар корхонанинг харидорлар ва буюртмачилар билан тузилган шартномага асосан етказиб берилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлари ҳисобланади ва улар бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

- а) «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» - 4010
  - б) «Олинган векселлар» - 4020
  - с) «Олинган (узоқ муддатли) векселлар» - 0910.
- Даъволар бўйича олинadиган ҳисобварақалар

Агар корхона бирор шахс айби балан олиниши керак бўлган даромадни тўлиқ ололмаса ёки зарар кўрса корхонада даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақа юзага келади. Амалиётда энг кўп учрайдиган ҳолат бу маҳсулот етказиб берувчининг айби билан шартнома шартларининг бузилиши ва бунинг натижасида корхонага зарар етказилган бўлса, етказилган зарар суммаси бўйича даъво билдирилиб 4860-ҳисобварақнинг дебити бўйича акс эттирилади. Етказиб берувчиларнинг айби бўйича билдирилган даъволар суммаси 4860-ҳисобварақда улар буткул қоплангунга қадар ҳисобга олинади.

Берилган бунақлар бўйича олинадиган ҳисоб варақалар

Ушбу ҳисобварақалар корхона бирор аниқ мақсад учун маблағларни олдиндан ўтказиб берганда юзага келади ва улар қуйидаги синтетик счётларда ҳисобга олинади:

4200 – Ҳодимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақ.

4300 - ТМЗлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

4400 - Бюджетга туланган бунақ туловлари ҳисобварақлари.

4500 - Давлат мақсадли фондлари ва сугурта бўйича бунақ туловлари ҳисобварақлари.

Ушбу ҳисобварақлар айнан ўзининг мақсадлари бўйича ўтказмалар амалга оширилгандагина қўлланилади. Улар бўйича кейинги режаларда, бевосита корхона мисолида батафсил кўриб чиқамиз.

Бошқа турдаги олинадиган ҳисоб варақалар

Буларга корхона фаолиятида юзага келувчи бошқа турдаги барча олинадиган ҳисобварларни киритиш мумкун:

Ажратилган бўлинмалар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар – 4100

Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар – 4600

Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар -4700

Турли дебиторлик қарзларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар – 4800

Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган туловлар - 0920

Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари - 0930

Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлар - 0940

Корхоналарнинг кредиторлик қарзларини ҳам, ўз навбатида, айрим хусусиятлари бўйича туркумларга ажратиш мумкун. Масалан, муддатлари бўйича кредиторлик қарзлари қисқа ва узоқ муддатли гуруҳларга бўлинади. Қисқа муддатли кредиторлик қарзлари – бу корхона томонидан бир календар йили давомида тўлаб берилиши лозим бўлган қарздорликлардир. Улар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар корхона бухгалтериясининг ҳисобварақлар режасида 6000 – ҳисобварақидан 6990 – ҳисобварақгача жойлашган. Узоқ муддатли кредиторлик қарзлари корхона томонидан бир календар йилидан ортиқ муддатда тўлаб берилиши лозим бўлган қарздорликларидир. Ушбу қарздорликлар ҳисобварақалар режасининг 7000- ҳисобварақидан 7990 – ҳисобварақгача жойлашган.

Корхоналарнинг мажбуриятлари куйидаги белгилар буйича туркумланиши мумкин:

- фойдаланиш муддатига кура;
- бахоланишнинг аниқлигига кура;

Фойдаланиш муддатига кура мажбуриятлар жорий ва узок муддатли булиши мумкин.

Баланс хисоботи санасидан бошлаб бир йил давомида ёки бир йилдан куп булган оддий операцион цикл давомида туланиши кузда тутилган мажбуриятлар жорий мажбуриятлар деб таърифланади. Бу таърифга жавоб бермайдиган мажбуриятлар узок муддатли мажбуриятлар деб эътироф этилади.

Бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига кура жорий ва узок муддатли мажбуриятлар таркибида хисобга олиниши мумкин булган йуналишларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга туланадиган хисобварақлар
- Берилган векселлар буйича мажбуриятлар
- Облигациялар муомаласи билан боғлиқ мажбуриятлар
- Харажатлар билан боғлиқ хисобланган мажбуриятлар
- Олинган бунақлар ва кайтариладиган депозитлар
- Муддати узайтирилган даромадлар
- Хисобланган солиқлар ва мажбурий туловлар буйича мажбуриятлар
- Корхона таъсисчилари олдидаги мажбуриятлар
- Ходимлар олдидаги мажбуриятлар
- Молиялаштирилган ва жорий лизинг буйича мажбуриятлар
- Хисобланган фоизлар буйича мажбуриятлар
- Шартли мажбуриятлар
- Олинган кредит ва карзлар буйича мажбуриятлар
- Бошка мажбуриятлар

Бахоланишнинг аниқлигига кура мажбуриятларнинг туркумланиши А.М. Гершун тахрири остида бир гурух рус мутахассислари томонидан яратилган «Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини куллаш»<sup>1</sup> деб номланган укув кулланмасида яхши ёритилган. Унга кура бахоланишнинг аниқлиги буйича мажбуриятлар:

- хакикий;
- бахоланган
- шартли холида булиши мумкин.

Хакикий мажбуриятлар харакатдаги шартномалар, битимлар ва конунчилик асосида юзага келиб уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- олинган хисобварақлар буйича мажбуриятлар;
- берилган векселлар буйича мажбуриятлар;
- таъсисчиларга хисобланган дивидендлар буйича мажбуриятлар;
- хисобланган солиқлар ва мажбурий туловлар буйича мажбуриятлар;

<sup>1</sup> Применение Международных Стандартов Финансовой Отчетности. Учебное пособие под редакцией Гершуна А.М. Москва, 2002 год, том 2, стр. 24-5

- хисобланган иш хаки буйича мажбуриятлар ва бошкалар.

Баҳоланган мажбуриятлар деганда, маълум бир сана юзага келмагунга қадар аниқ қийматини белгилаб бўлмайдиган мажбуриятлар тушунилади. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- фойда солиғи буйича мажбурият. Бу мажбуриятни то ҳамма молиявий хужалик муомалалари бухгалтерия ҳисобида уз аксини топиб, солиқ ҳисоби қилинмагунга қадар аниқлаб бўлмайди;

- кафолат мажбуриятлари. Бу мажбуриятларнинг хақиқий қийматини харидорлар томонидан маҳсулотлардан фойдаланиш бошлангандагина аниқлаш мумкин;

- ходимларга меҳнат таътили харажатларини қоплаш буйича мажбуриятлар. Бу мажбурият суммасини меҳнат таътилига чиқиш жадвали тасдиқланмагунга қадар аниқлаб бўлмайди.

Шартли мажбуриятлар – булар:

- аввалги ходисалар натижаси бўлиб, уларнинг мавжудлигига келгусида юз бериши мумкин бўлган бир ёки бир неча ноаниқ ходисалар орқали аниқлик киритиш мумкин.

- аввалги ходисалар натижаси бўлиб, келгусида улар тан олинмаслиги мумкин, чунки:

- мажбуриятни қондириш учун кейинчалик иқтисодий самара келтириши мумкин бўлган ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли мавжуд эмас;
- мажбурият суммасини аниқ тарзда баҳолашнинг имкони мавжуд эмас.

Масалан, корхонага нисбатан унинг миқдори суд жараёнини бошлаган. Суд жараёнида корхонага нисбатан жарима тулаш буйича қарор чиқиши мумкин. Лекин молиявий ҳисобот тузиш санасига, жарима суммаси ҳам ва суд қарори ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Яъни жараён якунида мажбурият юзага келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sayfiddinov, I., & Sa'Dullayeva, M. A. (2020). Importance of income taxation of commercial banks. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (5-2), 148-150.
2. Sayfiddinov, I., & Sotvoldiyev, K. Y. (2019). Expansion non-cash payments in Uzbekistan. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (5-3), 27-29.
3. Сайфиддинов, И., & Ахмедова, Д. (2020). Глобал иқтисодий инқироз шароитида тўловсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўллари. *Экономика и инновационные технологии*, (1), 37-43.
4. Sayfidinov, I. F., & Sheraliev, A. (2019). Improving the practice of overdraft lending in commercial banks of the country. *Economics and Innovative Technologies*, 2019(6), 4.
5. Sayfiddinov, I., & Isroilov, R. A. (2019). Expansion of the practice of bank plastic cards. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (5-3), 24-26.
6. Karaliyev, T. M., Sattorov, O. B., & Sayfiddinov, I. F. (2016). Bank faoliyati tahlili. *o'quv qo'llanma*.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

